ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АЗИЗХОН НОДИРХОН ЎҒЛИ

АТОМИК ФОН НЕЙМАН АЛГЕБРАЛАРИНИНГ НОКОММУТАТИВ СИММЕТРИК ФАЗОЛАРИДА ЭРГОДИК ТЕОРЕМАЛАР

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АЗИЗХОН НОДИРХОН ЎҒЛИ

АТОМИК ФОН НЕЙМАН АЛГЕБРАЛАРИНИНГ НОКОММУТАТИВ СИММЕТРИК ФАЗОЛАРИДА ЭРГОДИК ТЕОРЕМАЛАР

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM326 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Чилин Владимир Иванович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаев Рустамбай Зайирович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Математика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» ____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда чизиқли акслантиришлар турли хил синфларининг эргодик хоссаларини ўрганиш масалаларига келтирилади. Бу хоссаларни тадқиқ қилиш эргодик назариянинг асосини ташкил қилади. Эргодик назария замонавий математикада мухим аҳамиятга эга. Бир томондан у, тўғридан-тўғри, физиканинг, биринчи навбатда, статистик механиканинг ғоя ва маслалари билан боғлиқ. Бошқа томондан, унда Лебег интеграли ва ўлчови умумий назариясига, Банах фазолари назариясига ва операторларнинг спектрал назариясига асосланувчи абстракт математик аппарат ишлатилади. Нокоммутатив функционал анализнинг фаол ривожланиши нокоммутатив эргодик назариянинг ривожланишига туртки берди. Шу сабабли нокоммутатив симметрик фазоларда эргодик теоремаларни исбот қилиш замонавий математикада муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ҳозирги вақтда коммутатив ва нокоммутатив симметрик фазолар учун эргодик назария масалаларини ечиш замонавий функционал анализнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, симметрик фазоларда таъсир қилувчи Данфорд-Шварц операторлари учун индивидуал, статистик ва доминант эргодик теоремаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, олиб борилаётган тадқиқотлар симметрик фазоларнинг турли синфларида эргодик теоремаларни батафсил ўрганишнинг аҳамиятини очиб беради. Ундан ташқари, индивидуал ва статистик эргодик теоремалар вариантларининг бажарилиши учун зарурий ва етарли шартларни олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда, фундаментал фанлар, жумладан квант механикаси ва физикада тадбиқига эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Бу йўналишлар ичида энг асосийларидан бири, шубҳасиз эргодик назариядир. Жумладан, охирги йилларда симметрик фазолар учун эргодик теоремаларнинг турли синфларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Симметрик фазоларни чукур тадқиқ қилиш натижасида, кетма-кетликларнинг симметрик фазолари ва Банах симметрик идеаллари учун эргодик теоремаларнинг турли синфларини таҳлил қилишда салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Бунда симметрик фазолар учун эргодик назариянинг ривожланиши ушбу қарорни бажаришда муҳим рол ўйнайди.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эргодик теоремаларни ўрганиш эргодик назариянинг муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади. Биринчи бўлиб индивидуал эргодик теоремани 1931 йилда Г. Биркгофф купёқликларда ўлчовни сақловчи гомеоморфизмлар учун исботлаган. Индивидуал эргодик теорема бошқа фазолар ва акслантиришлар синфлари учун Н. Данфорд, Дж. Шварц, К. Миллер, П. Халмош, А. Хинчин, Ф. Рисс, А. Винер ва А. Витнер ишларида батафсил кўрилган. Ўлчовни сақловчи n-параметрли акслантиришлар группалари ва ярим группалари учун индивидуал эргодик теорема вариантлари А. Винер томонидан исботланган. Нокоммутатив индивидуал эргодик теоремаларни ўрганиш эса биринчи бўлиб К. Ленс ишларидан бошланган. Нокоммутатив индивидуал эргодик теоремани Ф. Йедон нокоммутатив L_1 фазоларида мусбат абсолют сиқувчи $L_1 - L_\infty$ операторлар таъсири учун, М. Юнг ва К. Шу худди шундай натижани $L_p, 1 < p < \infty,$ фазоларда мусбат Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун исботлашган, В. Чилин ва С. Литвинов эса ушбу фактни нокоммутатив Лоренц ва Орлич фазоларида таъсир қилувчи мусбат Данфорд-Шварц операторлари учун кўрсатишган.

Статистик эргодик теоремани дастлаб 1932 йилда Дж. фон Нейман L_2 фазоларининг ўлчовни сақловчи акслантиришлардан ҳосил булган изометриялари учун исботлаган. Кейинроқ, Банах фазолари ва операторларнинг турли синфлари учун статистик эргодик теорема Ф. Рисс, К. Йосида ва С. Какутани ишларида ўрганилган. Ихтиёрий абстракт вектор панжаралари учун статистик эргодик теорема Г. Биркгофф, С. Какутани ва Ф. Рисс ишларида кўрилган. Н. Данфорд ишларида эса статистик эргодик теорема $L_p,\ 1 < p < \infty,$ фазолар учун ва $L_1 - L_\infty$ сиқувчи акслантиришлар учун исботланган. Бундан ташқари, операторлар группалари ва ярим группалари таъсирлари учун статистик эргодик теорема вариантлари Л. Алаоглу, Г.

Биркгофф, Н. Данфорд ва А. Винер ишларида исботланган. Статистик эргодик теореманинг нокоммутатив вариантлари эса Р. Джейте, Ф. Комбес, Н. Данг-Нок, Ж. Диксмье, К. Ленс ишларида турли хил нокоммутатив фазолар синфлари учун исботланган. Ф. Йедон статистик эргодик теоремани содда ярим чекли нормал из билан берилган ярим чекли фон Нейман алгебраси билан мослаштирилган L_p фазоларида Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун исботлаган.

Табиийки, барча шу кунга қадар олинган натижаларнинг чуқур таҳлили ихтиёрий нокоммутатив симметрик фазолар учун эргодик теоремаларни ўрнатиш масаласини келтириб чиқаради. Жумладан, нокоммутатив симметрик фазоларнинг муҳим мисоллари бўлган компакт операторларнинг симметрик идеаллари синфлари учун эргодик теоремалар вариантларининг адолатлилигини исботлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу диссертация иши компакт операторларнинг симметрик идеаллари синфлари учун эргодик теоремалар вариантларини исботлашга бағишланган. Диссертацияда компакт операторлар симметрик идеалларида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц операторлари учун нокоммутатив индивидуал ва статистик эргодик теоремаларнинг тўғрилик мезонлари келтирилади. Бундан ташқари, кетма-кетликлар симметрик фазолари учун индивидуал ва статистик эргодик теоремалар алоҳида исботланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ЁОТ-ФТЕХ-2018-154 «Z^d панжараларида ва Γ^k Кэли дарахтларида гамильтонианлар спектрлари ва Гиббс ўлчовлари» илмий тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кетма-кетликлар симметрик фазолари учун, ҳамда компакт операторларнинг Банах идеаллари учун маълум эргодик теоремалар вариантларини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

симметрик функционал фазоларнинг жойлашишини қуриш;

симметрик кетма-кетликлар фазоси ёрдамида $(0,\infty)$да аниқланган симметрик функциялар фазосини тиклаш;

эргодик теоремаларнинг вариантларини кетма-кетликлар симметрик фазолари учун исботлаш;

компакт операторлар Банах идеалларида эргодик теоремалар вариантларини исботлаш.

Тадқиқотнинг объектини кетма-кетликлар тўла симметрик фазоларида ва компакт операторларнинг Банах идеалларида индивидуал ва статистик эргодик теоремалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини симметрик кетма-кетликлар фазолари, симметрик функциялар фазолари, улар орасидаги боғланишлар, компакт операторларининг Банах идеаллари, Данфорд-Шварц операторлари, компакт операторларнинг Банах идеалларида d-ўлчовли оқимлар учун группалар таъсири ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, умумий топология, алгебра, Банах панжаралари назарияси, операторлар спектрал назарияси ва операторлар алгебралари назарияси усулларидан фойдаланилган. Ундан ташқари, тўпламлар назарияси ва тартибланган фазолар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий сепарабел p-қаварик кетма-кетликлар Банах идеал фазоси учун Блум-Хансон хоссаси исботланган;

кетма-кетликлар тўла симметрик фазоларида ихтиёрий Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун индивидуал ва статистик эргодик теоремаларнинг бажарилиши учун зарурий ва етарли шартлари кўрсатилган;

компакт операторлар тўла симметрик идеалларида Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун индивидуал ва статистик эргодик теоремаларнинг вариантлари олинган;

компакт операторлар тўла симметрик идеалларида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц операторларининг $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз d-ўлчовли ярим группалари учун индивидуал ва статистик эргодик теоремалар вариантлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар Лоренц ва Орлич кетма-кетликлар фазоси ва Банах идеалларида индивидуал ва статистик эргодик теоремаларни исботлашда қўлланилган;

кетма-кетликлар симметрик фазолари ёрдамида $(0,\infty)$ да аниқланган яхши маълум бўлган симметрик функциялар фазолари янги конструкция ёрдамида қурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, умумий топология, Банах фазолари назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кетма-кетликларнинг симметрик фазолари ва компакт операторларнинг симметрик идеаллари учун, ҳамда компакт операторлар тўла симметрик идеалларида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц операторларининг $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз d-ўлчовли ярим группалари учун индивидуал эргодик теореманинг кучайтирилган вариантини исботлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган янги эргодик теоремалар вариантларини нокоммутатив Лоренц, Орлич ва Марцинкевич симметрик фазолари акслантиришларининг эргодик хоссаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги илмий-тадқиқот проектларида жорий этилган:

$\mathcal{A}$ σ-алгебранинг $\mathcal{B}$ $\sigma-$қисм алгебрасидан $\mathcal{A}_v$ $\sigma-$алгебрага ўлчовни сақловчи акслантириш мавжудлиги ҳақидаги олинган натижалар асосида ОТ-4-27 рақамли «Йордан учликлари олдқўшма фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» лойиҳасида метрик компактда нормаланган, тартибини сақловчи, кучсиз аддитив функционаллар фазосида янги метрика қурилган (Қорақалпоқ давлат университети 2021 йил 21 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши метрик компактда нормаланган, тартибини сақловчи, кучсиз аддитив функционаллар фазосида қурилган метрика ўзгартирилган Канторович–Рубинштейн метрикасининг аналоги эканини исботлашга имкон берган;

Нокоммутатив симметрик фазолар учун исботланган индивидуал ва статистик эргодик теоремалар ёрдамида ОТ-Ф4-31 рақамли «Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар» лойиҳасида нокоммутатив L_1 фазоларида таъсир қилувчи мусбат чизиқли сиқувчи акслантириш ягона равишда Данфорд-Шварц операторига давом эттирилиши исботланган (Ўзбекистон миллий университети 2021 йил 19 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши содда ярим чекли нормал из билан берилган ярим чекли фон Нейман алгебрасига тегишли симметрик фазоларда статистик эргодик теореманинг зарурий ва етарли шартларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 93 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошланғич маълумотлар»,** деб номланувчи бобида диссертация натижаларини тақдим этиш учун зарур бўлган функцияларнинг симметрик фазолари, кетма-кетликлар Банах идеал фазолари, кетма-кетликлар симметрик фазолари ва компакт операторларнинг Банах идеаллари хоссалари берилган. Компакт операторларнинг Банах идеаллари ва кетма-кетликлар симметрик фазолари орасидаги мухим бўлган муносабатлар берилган.

Айтайлик $(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ тўла σ-чекли ўлчовли ўлчовли фазо бўлсин. $\mathcal{L}_0=\mathcal{L}_0(\Omega)$ орқали биз $(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ да аниқланган деярли ҳамма ерда тенг ҳақиқий ўлчовли функцияларнинг барча синфлари алгебрасини ифодалаймиз, $\mathcal{L}_0(\mu)$ орқали эса $\mathcal{L}_0$ даги барча шундай $f\in\mathcal{L}_0$ функциялар алгебрасини белгилаймизки, бунда қандайдир $\lambda>0$ учун $\mu(\{|f|>\lambda\})<\infty$ бўлсин. $\mathcal{L}_p\subset\mathcal{L}_0(\mu)$, $1\le p\le\infty$, орқали одатдагидай классик Банах функционал L_p-фазоларини белгилаймиз, бунда бу фазо стандарт норма $\|\cdot\|_p$ билан берилган.

Агар $f\in\mathcal{L}_0(\mu)$ бўлса, у ҳолда f функциянинг ўсмайдиган ўрин алмаштириши $\mu_t(f)=\inf\{\lambda>0:\mu\{|f|>\lambda\}\le t\},\ t\ge 0$ тенглик билан аниқланади. Нолдан фарқли $E\subset\mathcal{L}_1(\Omega,\mathcal{A},\mu)+\mathcal{L}_\infty(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ қисм фазо Банах нормаси $\|\cdot\|_E$ билан симметрик фазо деб аталади, агар $f\in E,\ g\in\mathcal{L}_0(\mu),\ \mu_t(g)\le\mu_t(f),\ \forall\, t>0,$ шартлардан $g\in E$ ва $\|g\|_E\le\|f\|_E$ экани келиб чиқса.

Симметрик фазо E да норма $\|\cdot\|_E$ тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга дейилади, агар $0\le f_n\in E,\ f_n\downarrow 0$ шартлардан $\|f_n\|_E\downarrow 0$ экани келиб чиқса (мос равишда, $0\le f_n\le f_{n+1},\quad f_n\in E,\ n=1,2,\ldots,\ \sup\limits_{n\ge1}\|f_n\|_E<\infty,$ шартлардан шундай $f\in E$, $f_n\uparrow f$ мавжудлиги ва $\sup\limits_{n\ge1}\|f_n\|_E=\|f\|_E$ келиб чиқса).

Айтайлик $\mathcal{A}_\nu$ – $(0,\infty)$ да аниқланган барча Лебег маъносида ўлчовли тўпламлар σ-алгебраси бўлсин, бу ерда ν – $\mathcal{A}_\nu$ даги Лебег ўлчови. Ихтиёрий симметрик фазо $E=E((0,\infty),\mathcal{A}_\nu,\nu)$ учун қуйидагиларни кўрамиз:

$$E(\Omega)=E(\Omega,\mathcal{A},\mu)=\{f\in\mathcal{L}_0(\mu):\mu_t(f)\in E\};\ \|f\|_{E(\Omega)}=\|\mu_t(f)\|_E;\ f\in E(\Omega,\mathcal{A},\mu).$$

Маълумки, $(E(\Omega),\|\cdot\|_{E(\Omega)})$ – $(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ да аниқланган ўлчовли функциялар симметрик фазоси, бу холда, $(E(\Omega),\|\cdot\|_{E(\Omega)})$ симметрик фазо E симметрик фазодан хосил қилинган дейилади. Агар $E((0,\infty),\mathcal{A}_\nu,\nu)$ фазонинг нормаси тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлса, у холда $(E(\Omega),\|\cdot\|_{E(\Omega)})$ фазонинг нормаси хам тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлади.

Айтайлик $s(\mathbb{K})$ барча комплекс ($\mathbb{K}=\mathbb{C}$) ёки ҳақиқий ($\mathbb{K}=\mathbb{R}$) сонлар кетма-кетликлари чизиқли фазоси бўлсин, E эса $s(\mathbb{K})$ да чексиз ўлчовли идеал қисм фазо бўлсин (E фазонинг идеаллиги шуни англатадики, агар $x\in E$, $y\in s(\mathbb{K})$ ва $|y|\le|x|$ бўлса, у ҳолда $y\in E$ бўлади). Айтайлик $\|\cdot\|_E$ – E да Банах монотон нормаси бўлсин. Охирги жумла шуни англатадики, агар $x,y\in E$ ва $|x|\le|y|$ бўлса, у ҳолда $\|x\|_E\le\|y\|_E$ экани ўринли бўлади. Бу ҳолда, $(E,\|\cdot\|_E)$ жуфтликни $s(\mathbb{K})$ да Банах идеал фазоси (БИФ) дейилади. $(E,\|\cdot\|_E)$ Банах панжараси p-қавариқ дейилади ($1\le p<\infty$), агар шундай ўзгармас $M>0$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий чекли сондаги $\{x_i\}_{i=1}^n\subset E$ элементлар учун

$$\|(\sum_{i=1}^n|x_i|^p)^{\frac{1}{p}}\|_E\le M(\sum_{i=1}^n\|x_i\|_E^p)^{\frac{1}{p}}$$

тенгсизлик ўринли бўлса. Бундай M ўзгармасларнинг энг кичиги E фазо p-қавариқлигининг ўзгармаси дейилади ва $M^{(p)}(E)$ каби белгиланади.

Банах идеал фазоларининг мухим қисм классларидан бири кетма-кетликлар симметрик фазолари ҳисобланади. Айтайлик $l_\infty=l_\infty(\mathbb{R})$ (мос равишда, $c_0=c_0(\mathbb{R})$) $\|x\|_\infty=\sup\limits_{n\in\mathbb{N}}|\xi_n|$ нормага нисбатан барча $\mathbb{R}$ дан олинган $x=\{\xi_n\}_{n=1}^\infty$ чегараланган кетма-кетликлар (мос равишда, нолга яқинлашувчи кетма-кетликлар) Банах панжараси бўлсин.

Агар $x=\{\xi_n\}_{n=1}^\infty\in l_\infty$ бўлса, у ҳолда ўсмайдиган ўрин алмаштириш $x^*=\{\xi_n^*\}_{n=1}^\infty$ қуйидаги формула билан аниқланади: $\xi_n^*=\inf\limits_{card(F)<n}\sup\limits_{n\notin F}|\xi_n|$, бу ерда F – $\mathbb{N}$ нинг чекли қисм тўплами. Агар $y\in E$, $x\in l_\infty, x^*\le y^*$, шартлардан $x\in E$ ва $\|x\|_E\le\|y\|_E$ экани келиб чиқса, у ҳолда Банах нормаси $\|\cdot\|_E$ билан берилган нолдан фарқли қисм фазо $E\subset l_\infty$ кетма-кетликлар симметрик фазоси дейилади. Ихтиёрий кетма-кетликлар симметрик фазоси E учун доимо $E\subseteq c_0$ ёки $E=l_\infty$ бўлади.

l_∞ фазосида Харди-Литтлвуд-Пойя тартиби $x\prec\prec y$ қуйидагича аниқланади:

$$(x=\{\xi_n\}_{n=1}^\infty\prec\prec y=\{\eta_n\}_{n=1}^\infty)\Leftrightarrow(\sum_{k=1}^n\xi_k^*\le\sum_{k=1}^n\eta_k^* \text{ ихтиёрий } n\in\mathbb{N} \text{ учун}).$$

кетма-кетликлар симметрик фазоси $(E,\|\cdot\|_E)$ тўла симметрик кетма-кетликлар фазоси дейилади, агар $x\prec\prec y, x\in l_\infty, y\in E,$ шартлардан $x\in E$ ва $\|x\|_E\le\|y\|_E$ экани келиб чиқса.

$(\mathcal{H},(\cdot,\cdot))$ чексиз ўлчамли $\mathbb{C}$ майдон устида аниқланган Гильберт фазоси бўлсин ва $(\mathcal{B}(\mathcal{H}),\|\cdot\|_\infty)$ – $\mathcal{H}$ да таъсир қилувчи барча чизиқли чегараланган операторлар $C^\star$-алгебраси бўлсин, бунда $\|x\|_\infty=\sup\limits_{\xi\in\mathcal{H}:\|\xi\|_{\mathcal{H}}\le1}\|x(\xi)\|_{\mathcal{H}}$. $\mathcal{K}(\mathcal{H})$ (мос равишда, $\mathcal{F}(\mathcal{H})$) орқали $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ даги барча компакт (мос равишда, чекли ўлчамли) операторлар қўш идеалини белгилаймиз. $\mathcal{B}_h(\mathcal{H})=\{x\in\mathcal{B}(\mathcal{H}):x=x^*\}$, $\mathcal{B}_+(\mathcal{H})=\{x\in\mathcal{B}_h(\mathcal{H}):x\ge 0\}$ белгилашларни киритамиз ва айтайлик $\tau:\mathcal{B}_+(\mathcal{H})\to[0,\infty]$ – $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ да каноник из бўлсин, яъни $\tau(x)=\sum_{j\in J}(x\varphi_j,\varphi_j),\ x\in\mathcal{B}_+(\mathcal{H}),$ бу ерда $\{\varphi_j\}_{j\in J}$ – $\mathcal{H}$ даги ортонормал базис.

Айтайлик $\mathcal{P}(\mathcal{H})=\{e\in\mathcal{B}(\mathcal{H}):e=e^2=e^*\}$ – $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ даги барча проекторлар панжараси бўлсин. Агар $\mathbf{1}$ – $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ алгебранинг бирлик элементи ва $e\in\mathcal{P}(\mathcal{H})$ бўлса, у ҳолда $e^\perp=\mathbf{1}-e$, деб белгилаймиз.

Айтайлик $x\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ бўлсин ва $\{e_\lambda(|x|)\}_{\lambda\ge 0}$ $-x$ оператор модули $|x|=(x^*x)^{1/2}$ учун проекторлар спектрал оиласи бўлсин, яъни $e_\lambda(|x|)=\{|x|\le\lambda\}$. Агар $t>0$ бўлса, у ҳолда x операторнинг умумлашган t-хос қиймати, ёки ўсмайдиган ўрин алмаштириши деб $\mu_t(x)=\inf\{\lambda>0:\tau(e_\lambda(|x|)^\perp)\le t\}$ функцияга айтилади.

Агар ихтиёрий $t>0$ учун $x\in X,\ y\in\mathcal{B}(\mathcal{H}),\ \mu_t(y)\le\mu_t(x)$ шартлардан (мос равишда, ихтиёрий $s>0$ учун $x\in X,\ y\in\mathcal{B}(\mathcal{H}),\ \int_0^s\mu_t(y)dt\le\int_0^s\mu_t(x)dt$ шартлардан (бунда $y\prec\prec x$ каби ёзилади)) $y\in X$ ва $\|y\|_X\le\|x\|_X$ экани келиб чиқса, у ҳолда нолдан фарқли бўлган Банах нормаси $\|\cdot\|_X$ билан берилган $X\subset\mathcal{B}(\mathcal{H})$ қисм фазо симметрик фазо (мос равишда, тўла симметрик фазо) дейилади,

$(\mathcal{B}(\mathcal{H}),\|\cdot\|_\infty)$, $(\mathcal{K}(\mathcal{H}),\|\cdot\|_\infty)$ фазолари ва яхши маълум бўлган Шаттен қўш идеаллари $\mathcal{C}_p=\{x\in\mathcal{K}(\mathcal{H}):\|x\|_p=\tau(|x|^p)^{1/p}<\infty\},1\le p<\infty,$ тўла симметрик фазоларга мисоллар бўлади.

Таъкидлаб утамизки, $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ даги ихтиёрий симметрик фазо $(X,\|\cdot\|_X)$ ва ҳар қандай $x\in X$, $a,b\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ лар учун қуйидагилар ўринли:

$$\|x\|_X=\||x|\|_X=\|x^*\|_X,\ axb\in X,\ \|axb\|_X\le\|a\|_\infty\|b\|_\infty\|x\|_X\ .$$

Изоҳ 1. Агар $\mathcal{H}$ сепарабел ва $X\subset\mathcal{B}(\mathcal{H})$ симметрик фазо бўлса, у ҳолда $X=\mathcal{B}(\mathcal{H})$ ёки $X\subset\mathcal{K}(\mathcal{H})$. Агар $\mathcal{H}$ носепарабел бўлса, у ҳолда шундай хусусий қўш идеал $\mathcal{I}\subset\mathcal{B}(\mathcal{H})$ мавжудки, бунда $\mathcal{K}(\mathcal{H})\subsetneqq\mathcal{I}$ ва $(\mathcal{I},\|\cdot\|_\infty)$ Банах фазоси бўлади, лекин $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ да симметрик қисм фазо бўлмайди.

Агар $x\in\mathcal{K}(\mathcal{H})$ бўлса, у ҳолда $|x|=\sum_{n=1}^{m(x)}s_n(x)p_n$ бўлади (агар $m(x)=\infty$ бўлса, унда қатор текис яқинлашади), бу ерда $\{s_n(x)\}_{n=1}^{m(x)}$ – x нинг сингуляр сонлари тўплами, яъни $|x|$ оператор учун камайиш тартибида жойлаштирилган хос қийматлар тўплами, p_n – $s_n(x)$ га мос бўлган хос қисм фазо. Демак, $x\in\mathcal{K}(\mathcal{H})$ учун ўсмайдиган ўрин алмаштириш $\mu_t(x)$ $\{s_n(x)\}_{n=1}^\infty$, $s_n(x)\downarrow 0$, кетма-кетлик ёрдамида аниқланади (агар $m(x)<\infty$бўлса, у ҳолда барча $n>m(x)$ лар учун $s_n(x)=0$ деб ҳисоблаймиз).

$(X,\|\cdot\|_X)\subset\mathcal{K}(\mathcal{H})$ симметрик фазо бўлсин. $\mathcal{H}$ да ортонормал базис $\{\varphi_j\}_{j\in J}$ ни фиксирлаймиз ва саноқли қисм тўплам $\{\varphi_{j_n}\}_{n=1}^{\infty}$ ни қараймиз. Айтайлик p_n – $\mathbb{C}\cdot\varphi_{j_n}\subset\mathcal{H}$ қисм фазога бир ўлчовли проектор бўлсин. Кўриниб турибдики, $E(X)=\left\{\xi=\{\xi_n\}_{n=1}^{\infty}\in c_0 : x_\xi=\sum_{n=1}^{\infty}\xi_n p_n\in X\right\}$ тўплам (бунда қатор текис яқинлашади) $\|\xi\|_{E(X)}=\|x_\xi\|_X$ нормага нисбатан кетма-кетликлар симметрик фазоси бўлади, яъни ихтиёрий симметрик фазо $(X,\|\cdot\|_X)\subset\mathcal{K}(\mathcal{H})$ ягона кетма-кетликлар симметрик фазоси $(E(X),\|\cdot\|_{E(X)})\subset c_0$ ни ҳосил қилади. Тескариси ҳам ўринли: ҳар қандай кетма-кетликлар симметрик фазоси $(E,\|\cdot\|_E)\subset c_0$ ягона симметрик фазо $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})\subset\mathcal{K}(\mathcal{H})$ ни қуйидаги қоида бўйича ҳосил қилади:

$$\mathcal{C}_E=\{x\in\mathcal{K}(\mathcal{H}):\{s_n(x)\}\in E\},\ \|x\|_{\mathcal{C}_E}=\|\{s_n(x)\}\|_E\,.$$

Бунда, $E(\mathcal{C}_E)=E,\|\cdot\|_{E(\mathcal{C}_E)}=\|\cdot\|_E,\ \mathcal{C}_{E(\mathcal{C}_E)}=\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_{E(\mathcal{C}_E)}}=\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E}$.

$(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ жуфтликни компакт операторлар Банах идеали деб атаймиз. Маълумки, ихтиёрий $1\le p<\infty$ учун $(\mathcal{C}_p,\|\cdot\|_p)=(\mathcal{C}_{l_p},\|\cdot\|_{\mathcal{C}_{l_p}})$ ва $(\mathcal{K}(\mathcal{H}),\|\cdot\|_\infty)=(\mathcal{C}_{c_0},\|\cdot\|_{\mathcal{C}_{c_0}})$.

$\mathcal{K}(\mathcal{H})$ Банах идеалида Харди-Литтлвуд-Пойя тартиби қуйидагича аниқланади:

$$x\prec\prec y,\ x,y\in\mathcal{K}(\mathcal{H})\Leftrightarrow\{s_n(x)\}\prec\prec\{s_n(y)\}.$$

Банах идеали $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ тўла симметрик дейилади, агар $y\in\mathcal{C}_E$, $x\in\mathcal{K}(\mathcal{H})$, $x\prec\prec y$ шартлардан $x\in\mathcal{C}_E$ ва $\|x\|_{\mathcal{C}_E}\le\|y\|_{\mathcal{C}_E}$ келиб чиқса. Кўриниб турибдики, $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ тўла симметрик идеал булиши учун $(E,\|\cdot\|_E)$ кетма-кетликлар фазоси тўла симметрик бўлиши зарур ва етарлидир.

Диссертациянинг **«Функционал симметрик фазоларнинг боғлиқлиги»** номли бобида $E((0,\infty),\nu)$ ва $E(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ симметрик фазолар орасидаги боғланишлар ўрганилган. Ундан ташқари, берилган $(X,\|\cdot\|_X)$ кетма-кетликлар симметрик фазоси ёрдамида $(0,\infty)$ да $(E(X),\|\cdot\|_{E(X)})$ симметрик фазони қуриш конструкцияси берилган. $\|\cdot\|_X$ норма тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлганда, $\|\cdot\|_{E(X)}$ норма хам тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлиши кўрсатилган.

Қуйида $f\in\mathcal{L}_0(\Omega)$ функция учун унинг ташувчиси $supp(f)=\{f\neq 0\}$ орқали белгиланади. Қуйидаги теорема $E((0,\infty),\mathcal{A}_\nu,\nu)$ симметрик фазони $E(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ фазога мультипликатив жойлашишини кўрсатади.

Теорема 2. Айтайлик $(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ – тўла узлуксиз σ-чекли ўлчовли фазо ва $E((0,\infty),\nu)$ – $((0,\infty),\nu)$ да аниқланган симметрик фазо бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $0\le f\in\mathcal{R}_\mu$, $supp(f)=\mathbf{1}$, функция учун $\mathcal{A}$ да шундай қисм σ-алгебра $\mathcal{B}$ ва $\mathcal{L}_0((0,\infty),\nu)$ алгебрадан $\mathcal{L}_0(\Omega,\mathcal{B},\mu)$ алгебрага изоморфизм Φ мавжудки, бу ҳолда $\mu_{|\mathcal{B}}$ ўлчов σ-чекли, ихтиёрий $g\in\mathcal{L}_0(0,\infty)$ учун $\Phi(g)$ ва g тенг ўлчовли, $\Phi(E((0,\infty),\nu))=E(\Omega,\mathcal{B},\mu)$ ва $\Phi:(E((0,\infty),\nu),\|\cdot\|_{E(0,\infty)})\to(E(\Omega,\mathcal{B},\mu),\|\cdot\|_{E(\Omega)})$ мультипликатив сюръектив изометрия булади, бунда $\Phi(\mu_t(f))=f$.

Юқорида қайд этилганидек, $E(0,\infty)$ симметрик фазодан ҳосил қилинган $(E(\mathbb{N}),\|\cdot\|_{E(\mathbb{N})})$ симметрик фазо $(\mathbb{N},2^{\mathbb{N}},\mu)$ да аниқланган симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлади. Ундан ташқари, агар E симметрик фазонинг нормаси тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлса, у ҳолда $(E(\mathbb{N}),\|\cdot\|_{E(\mathbb{N})})$ симметрик фазонинг нормаси ҳам тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлади. Қуйида келтирилган теорема ва тасдиқ тескари ипликациялар ҳам ўринли бўлишини кўрсатади.

Теорема 3. Ҳар бир кетма-кетликлар симметрик фазоси $(X,\|\cdot\|_X)\subseteq c_0$ учун $(0,\infty)$ да шундай симметрик фазо $E(X)$ мавжудки, бунда $X=E(X)(\mathbb{N})$ ва $\|\cdot\|_X=\|\cdot\|_{E(X)(\mathbb{N})}$ бўлади.

Тасдиқ 4. Агар кетма-кетликлар симметрик фазоси $(X,\|\cdot\|_X)\subseteq c_0$ Фату хоссасига (мос равишда, тартибли узлуксизлик хоссасига) эга бўлса, у ҳолда $(0,\infty)$ даги $E(X)$ симметрик фазо ҳам (теорема 3 га қаранг) Фату хоссасига (мос равишда, тартибли узлуксизлик хоссасига) эга бўлади.

Диссертациянинг учинчи **«Кетма-кетликлар симметрик фазоларида эргодик теоремалар»**, деб номланган бобида кетма-кетликлар Банах фазолари учун эргодик теоремаларнинг турли кўринишлари исботланган.

$\mathcal{C}(X)$ орқали $(X,\|\cdot\|_X)$ да таъсир қилувчи барча чизиқли сиқувчи акслантиришлар тупламини, $\mathfrak{N}$ орқали бўлса барча қатъий ўсувчи натурал сонлар кетма-кетликлари тўпламини белгилайлик. Агар ихтиёрий $T\in\mathcal{F}$, $x\in X$ лар учун ёки кетма-кетлик $\{T^n(x)\}_{n=0}^\infty$ кучсиз яқинлашмаса, ёки ушбу кетма-кетликнинг $x_0\in X$ элементга кучсиз яқинлашишидан ихтиёрий $\{k_j\}_{j=0}^\infty\in\mathfrak{N}$ лар учун $\|\frac{1}{n+1}\sum_{j=0}^n T^{k_j}(x)-x_0\|_X\to 0$ яқинлашиши келиб чиқса, у ҳолда X Банах фазоси $\mathcal{F}\subset\mathcal{C}(X)$ қисм тўпламга нисбатан Блум-Хансон хоссасига эга дейилади. Айтиб ўтиш жоизки, ихтиёрий $\{k_j\}_{j=0}^\infty\in\mathfrak{N}$ лар учун бирор $x_0\in X$ учун $\|\frac{1}{n+1}\sum_{j=0}^n T^{k_j}(x)-x_0\|_X\to 0$ яқинлашишдан доим $\{T^n(x)\}_{n=0}^\infty$ кетма-кетликнинг x_0 га кучсиз яқинлашиши келиб чиқади.

Ихтиёрий улчовли фазолар учун $\mathcal{L}_p, 1\le p<\infty$, фазоларининг $\mathcal{C}(\mathcal{L}_p)$ га нисбатан Блум-Хансон хоссасига эга бўлиши хозиргача ҳеч кимга аён эмас. Фақатгина қуйидаги (В. Мюллер ва Ю. Тамилов) натижа маълум: l_p, $1\le p<\infty$, фазода таъсир қилувчи чизиқли сиқувчи акслантириш ва ихтиёрий элемент $x\in l_p$ учун $\{T^n(x)\}$ кетма-кетлик $x_0\in l_p$ элементга кучсиз яқинлашиши учун ихтиёрий $\{k_j\}_{j=0}^{\infty}\in\mathfrak{N}$ учун $\|\frac{1}{n+1}\sum_{j=0}^{n}T^{k_j}(x)-x_0\|_p\to 0$ яқинлашиш ўринли бўлиши зарур ва етарлидир.

Қуйидаги теорема ихтиёрий сепарабел p-қаварик ($p>1$) БИФ $E\subset s(\mathbb{K})$ учун Блума-Хансон хоссаси мавжудлигини кўрсатади.

Теорема 5. $(E,\|\cdot\|_E)$ – $s(\mathbb{K})$ да p-қавариқлик ўзгармаси $M^{(p)}(E)=1$, $p>1$, бўлган чексиз ўлчамли p-қавариқ сепарабел Банах идеал фазоси бўлсин. У ҳолда ихтиёрий чизиқли сиқувчи акслантириш $T:E\to E$ учун $\{T^n(x)\}$ кетма-кетликнинг $(E,\|\cdot\|_E)$ да $x_0\in E$ элементга кучсиз яқинлашишидан ихтиёрий $\{k_j\}_{j=0}^{\infty}\in\mathfrak{N}$ учун $\|\frac{1}{n+1}\sum_{j=0}^{n}T^{k_j}(x)-x_0\|_E\to 0$ яқинлашиш келиб чиқади.

Данфорд-Шварц оператори $T:l_\infty\to l_\infty$ (бу холда $T\in DS$ каби ёзилади), ни қарайлик, яъни $T:l_\infty\to l_\infty$ чизиқли сиқувчи акслантириш ва ихтиёрий $\xi\in l_1$ учун $\|T(\xi)\|_1\le\|\xi\|_1$ тенгсизлик ўринли. Маълумки, кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси $(E,\|\cdot\|_E)$ (l_1,l_∞) Банах жуфтлигида аниқ интерполяцион фазо бўлади. Шунинг учун, ихтиёрий $T\in DS$ учун $T(E)\subset E$ ва $\|T\|_{E\to E}\le 1$ бўлади.

Индивидуал эргодик теореманинг қуйидаги версияси кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси учун исботланди.

Теорема 6. Агар $E\subseteq c_0$ кетма-етликлар тўла симметрик фазоси бўлса, ихтиёрий $T\in DS$ ва $x\in E$ учун шундай $x\in E$ элемент мавжудки, бунда $n\to\infty$ бўлганда $\|A_n(T)(x)-x\|_\infty\to 0$ яқинлашиш ўринли бўлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, $x\in(l_\infty\setminus c_0)$ учун 6-теорема, умуман олганда, ўринли эмас.

Теорема 7. Агар $x\in(l_\infty\setminus c_0)$ бўлса, у ҳолда шундай оператор $T\in DS$ мавжудки, бунда $A_n(T)(x)$ ўрта қийматлар кетма-кетлиги координата буйича яқинлашмайди, демак, текис яқинлашмайди.

Айтайлик $(E,\|\cdot\|_E)$ кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси бўлсин. E ни статистик эргодик теоремани қаноатлантиради деймиз (бунда $E\in(MET)$ каби ёзамиз), агар ихтиёрий $T\in DS$ ва $x\in E$ лар учун шундай элемент $x\in E$ топилиб, $\|A_n(T)(x)-x\|_E\to 0$ яқинлашиш ўринли бўлса.

Қуйидаги теорема кетма-кетликлар тўла симметрик фазоларида статистик эргодик теореманинг бажарилиши учун зарур ва етарли шартларни белгилайди.

Теорема 8. Айтайлик $(E,\|\cdot\|_E)\subset l_\infty$ кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси бўлсин. Қуйидаги шартлар эквивалент:

(i). Ихтиёрий $T\in DS$ учун $A_n(T)$ ўрта қийматлар $(E,\|\cdot\|_E)$ да кучли яқинлашади;

(ii). $(E,\|\cdot\|_E)$ сепарабел ва $E\neq l_1$ тўплам сифатида.

Диссертациянинг **«Компакт операторларнинг Банах идеалларида эргодик теоремалар»,** деб номланган тўртинчи бобида компакт операторларнинг тўла симметрик идеалларида Данфорд-Шварц операторининг таъсири учун эргодик теоремалар вариантлари исботланган. Шунингдек, Данфорд-Шварц операторларининг $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз d-ўлчовли ярим группалари қаралган ва бундай ярим группалар таъсири учун индивидуал ва статистик эргодик теоремалар вариантлари исботланган.

Чизиқли оператор $T:\mathcal{B}(\mathcal{H})\to\mathcal{B}(\mathcal{H})$ Данфорд-Шварц оператори дейилади (бунда $T\in DS$ каби ёзамиз), агар ихтиёрий $x\in\mathcal{C}_1$ учун $\|T(x)\|_1\leq\|x\|_1$ тенгсизлик ва ихтиёрий $x\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ учун $\|T(x)\|_\infty\leq\|x\|_\infty$ тенгсизлик ўринли бўлса.

Маълумки, ихтиёрий тўла симметрик идеал $\mathcal{C}_E$ $(\mathcal{C}_1,\mathcal{B}(\mathcal{H}))$ Банах жуфтлигида аниқ интерполяцион фазо бўлади, хусусан, ихтиёрий $T\in DS$ учун $T(\mathcal{C}_E)\subset\mathcal{C}_E$ ва $\|T\|_{\mathcal{C}_E\to\mathcal{C}_E}\leq 1$ бўлади. Демак, $T(\mathcal{K}(\mathcal{H}))\subset\mathcal{K}(\mathcal{H})$ ва T операторнинг $\mathcal{K}(\mathcal{H})$ га торайиши хам чизиқли сиқувчи акслантириш бўлади (бу операторни хам T орқали белгилаймиз).

Қуйидаги теорема компакт операторлар тўла симметрик идеалида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц оператори учун индивидуал эргодик теорема варианти бўлади.

Теорема 9. $(E,\|\cdot\|_E)$ – кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси ва $E\subset c_0$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли:

(i). Ихтиёрий Данфорд-Шварц оператори $T:\mathcal{C}_E\to\mathcal{C}_E$ ва $x\in\mathcal{C}_E$ учун шундай $x\in\mathcal{C}_E$ элемент мавжудки, бунда $n\to\infty$ бўлганда $\|A_n(T)(x)-x\|_\infty\to 0$ яқинлашиш ўринли бўлади;

(ii). Агар $0\leq x\in\mathcal{B}(\mathcal{H})\setminus\mathcal{K}(\mathcal{H})$ бўлса, у ҳолда шудай Данфорд-Шварц оператори $T:\mathcal{B}(\mathcal{H})\to\mathcal{B}(\mathcal{H})$ мавжудки, бунда $A_n(T)(x)$ кетма-кетлик текис яқинлашмайди.

Қуйидаги теорема компакт операторлар тўла симметрик идеалида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц оператори учун статистик эргодик теорема ўринли бўлиши мезонини беради.

Теорема 10. Айтайлик $(E,\|\cdot\|_E)\subset l_\infty$ кетма-кетликлар тўла симметрик фазоси бўлсин. Қуйидаги шартлар эквивалент:

(*i*). Ихтиёрий Данфорд-Шварц оператори $T:\mathcal{C}_E\to\mathcal{C}_E$ учун $A_n(T)$ ўрта қийматлар $\mathcal{C}_E$ да кучли яқинлашади;

(*ii*). $(E,\|\cdot\|_E)$ сепарабел ва $E\neq l_1$ тўплам сифатида.

$d\in\mathbb{N}$ ни фиксирлаймиз ва $\mathbb{R}_+^d=\{\mathbf{u}=(u_1,\ldots,u_d):0\le u_i\in\mathbb{R}, i=1,\ldots,d\}$ белгилаш киритамиз. $\{T_\mathbf{u}\}_{\mathbf{u}\in\mathbb{R}_+^d}$ – шундай мусбат Данфорд-Шварц операторлар ярим группаси бўлсин, бунда ихтиёрий $x\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ учун $T_\mathbf{0}(x)=x$. $\{T_\mathbf{u}\}_{\mathbf{u}\in\mathbb{R}_+^d}$ ярим группа $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз дейилади, агар $\lim\limits_{\mathbf{u}\to\mathbf{v}}\|T_\mathbf{u}(x)-T_\mathbf{v}(x)\|_{\mathcal{C}_1}=0$ тенглик ихтиёрий $x\in\mathcal{C}_1$ учун бажарилса ($\mathbf{u},\mathbf{v}\in\mathbb{R}_+^d$, $\mathbf{u}=(u_1,\ldots,u_d)$, $\mathbf{v}=(v_1,\ldots,v_d)$ лар учун $\mathbf{u}\to\mathbf{v}$ яқинлашиш ҳар бир $i=1,\ldots,d$ учун $u_i\to v_i$ яқинлашишни англатади).

Агар $\{T_\mathbf{u}\}_{\mathbf{u}\in\mathbb{R}_+^d}\subset DS^+$ – $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз ярим группа бўлса, у ҳолда машхур Петтис теоремасига асосан, ихтиёрий $x\in\mathcal{C}_1$ ва $t>0$ лар учун $A_t(x)=\dfrac{1}{t^d}\int_{[0,t]^d}T_\mathbf{u}(x)d\mathbf{u}\in\mathcal{C}_1$ Бохнер интеграли мавжудлиги кўрсатилади. Бунда, ихтиёрий $x\in\mathcal{C}_1$ учун $\|A_t(x)\|_1\le\|x\|_1$ ва $\|A_t(x)\|_\infty\le\|x\|_\infty$ бўлади. Демак, шундай оператор $\tilde{A}_t\in DS^+$ мавжудки, бунда барча $x\in\mathcal{C}_1$ учун $\tilde{A}_t(x)=A_t(x)$. Қуйида $\tilde{A}_t$ оператор A_t каби белгиланади.

Қуйидаги теорема тўла симметрик Банах идеалларида $\mathbb{R}_+^d$ группа таъсири учун индивидуал эргодик теорема вариантини келтиради.

Теорема 11. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ тўла симметрик Банах идеали ва $\{T_\mathbf{u}\}_{\mathbf{u}\in\mathbb{R}_+^d}\subset DS^+$ – $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз ярим группа бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $x\in\mathcal{C}_E$ элементи учун шундай $x\in\mathcal{C}_E$ элемент мавжудки, бунда $A_t(x)$ ўрта қийматлари $t\to\infty$ бўлганда x га $\|\cdot\|_\infty$ норма бўйича яқинлашади.

Қуйидаги теорема тўла симметрик Банах идеалларида $\mathbb{R}_+^d$ группа таъсири учун статистик эргодик теорема вариантини келтиради.

Теорема 12. Айтайлик $(E,\|\cdot\|_E)$ сепарабел кетма-кетликлар симметрик фазоси, ҳамда $E\neq l_1$ тўплам сифатида бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\{T_\mathbf{u}\}_{\mathbf{u}\in\mathbb{R}_+^d}\subset DS^+$ $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз ярим группа учун A_t ўрта қийматлари $\mathcal{C}_E$ да кучли яқинлашади.

ХУЛОСА

Диссертация кетма-кетликлар симметрик фазоларида ва компакт операторлар идеалларида Данфорд-Шварц операторлари таъсирларининг эргодик хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. $E((0,\infty),\nu)$ ва $E(\Omega,\mathcal{A},\mu)$ симметрик фазолар орасидаги муносабатлар таснифланган;

2. Берилган $(X,\|\cdot\|_X)$ кетма-кетликлар симметрик фазоси ёрдамида $(0,\infty)$ да $(E(X),\|\cdot\|_{E(X)})$ симметрик функциялар фазосини қуришнинг янги конструкцияси келтирилган;

3. $\|\cdot\|_X$ норма тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлганда, $\|\cdot\|_{E(X)}$ норма хам тартибли узлуксизлик хоссасига (мос равишда, Фату хоссасига) эга бўлиши кўрсатилган;

4. Ихтиёрий сепарабел p-қаварик ($p>1$) кетма-кетликлар Банах идеал фазоси учун Блум-Хансон хоссаси исботланган;

5. Кетма-кетликлар тўла симметрик фазоларида ихтиёрий Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун индивидуал ва статистик эргодик теоремаларнинг бажарилиши учун зарурий ва етарли шартлари кўрсатилган;

6. Компакт операторлар тўла симметрик идеалларида Данфорд-Шварц операторлари таъсири учун индивидуал ва статистик эргодик теоремаларнинг вариантлари олинган;

7. Компакт операторлар тўла симметрик идеалларида таъсир қилувчи Данфорд-Шварц операторларининг $\mathcal{C}_1$ да кучли узлуксиз d-ўлчовли ярим группалари учун индивидуал ва статистик эргодик теоремалар вариантлари исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АЗИЗОВ АЗИЗХОН НОДИРХОН УГЛИ

ЭРГОДИЧЕСКИЕ ТЕОРЕМЫ В НЕКОММУТАТИВНЫХ СИММЕТРИЧНЫХ ПРОСТРАНСТВАХ НА АТОМИЧЕСКИХ АЛГЕБРАХ ФОН НЕЙМАНА

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/FM326.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

Научный руководитель:	**Чилин Владимир Иванович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Абдуллаев Рустамбай Зайирович** доктор физико-математических наук, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт математики АН РУз

Защита диссертации состоится «____» ____________ 2021 года в ____ на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4.Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4.Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан «____» ____________ 2021 года.
(протокол рассылки №____ от «____» ____________ 2021 года).

А.Садуллаев
Председатель научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные исследования с практическими приложениями, проводимые в мире, во многих случаях сводятся к задачам изучения эргодических свойств различных классов линейных преобразований. Исследование этих свойств составляет содержание эргодической теории. Эргодическая теория в современной математике играет важную роль. С одной стороны, она непосредственно связана с идеями и задачами физики, в первую очередь, статистической механики. С другой стороны, в ней используется абстрактный математический аппарат, опирающийся на общую теорию меры и интеграла Лебега, теорию банаховых пространств и спектральный анализ операторов. Развитие некоммутативного функционального анализа способствовало развитию некоммутативной эргодической теории. Поэтому доказательство эргодических теорем в некоммутативных симметричных пространствах играет важную роль в современной математике.

В настоящее время во всем мире решение задач эргодической теории для коммутативных и некоммутативных симметричных пространств является одной из актуальных задач современного функционального анализа, при этом, особое внимание уделяется индивидуальным, статистическим и доминантным эргодическим теоремам для действия операторов Данфорда-Шварца в симметричных пространствах. В этом случае, проводимые исследования показывают важность тщательного изучения эргодических теорем в различных классах симметричных пространств. Кроме того, уделяется особое внимание получению необходимых и достаточных условий для выполнения индивидуальной и статистической эргодических теорем.

В нашей стране, особенно в последние годы, повышенное внимание уделяется современным направлениям в фундаментальных науках, в том числе квантовой механике и физике. Среди этих направлений одним из основных, несомненно, является эргодическая теория. В частности, в последнее время уделено особое внимание изучению эргодических теорем в различных классах симметричных пространств. При глубоком исследовании симметричных пространств, были получены значительные результаты по эргодическим теоремам для симметричных пространств последовательностей и для банаховых симметричных идеалов. Основными задачами и направлениями деятельности математической науки являются проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Алгебра и функциональный анализ»[2]. В связи с этим, развитие эргодической теории для симметричных пространств имеет особую роль при выполнении данного постановления.

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «Об организации вновь созданных научно-исследовательских институтов Академии наук Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

